

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ОТАҚУЛОВ НОДИРЖОН БАХРОМАЛИЕВИЧ**

**ФРАНЦУЗ, ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА МЕЗУРАТИВ  
ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ ЛИСОНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.06. – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик  
ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of philosophy (PhD) on philological  
Sciences**

**Отакулов Нодиржон Бахромалиевич**

Француз, ўзбек ва рус тилларида мезуратив фразеологизмларнинг  
лисоний хусусиятлари ..... 3

**Отакулов Нодиржон Бахромалиевич**

Лингвистические особенности мезуративных фразеологизмов во  
французском, узбекском и русском языках ..... 23

**Otakulov Nodirjon Bakhromalievitch**

Linguistic features of phraseological units with measurement component in  
French, Uzbek and Russian languages ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 48

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ОТАҚУЛОВ НОДИРЖОН БАХРОМАЛИЕВИЧ**

**ФРАНЦУЗ, ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА МЕЗУРАТИВ**  
**ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ ЛИСОНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.06. – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик**  
**ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/Fil436** рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улугбек номидаги **Ўзбекистон Миллий университетида** бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида [nuu.md.uz](http://nuu.md.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) манзилларида жойлаштирилган.

Илмий рахбар:

**Маматов Абди Эшонкулович**  
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оponentлар:

**Кулмаматов Дустанмат Сатторович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Носиров Абдурахим Абдимуталипович**  
филология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

**Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети**

Диссертация химояси **Ўзбекистон Миллий университети** хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 рақамли Илмий кенгашнинг «16» апрел 2021 йил соат 11 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 700174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 400 уй. Тел: (99871) 246-08-62; (99871) 227-10-59; факс: (99871) 246-65-24; e-mail: [pauka@nuu.uz](mailto:pauka@nuu.uz). **Ўзбекистон Миллий университети, Хорижий филология факультети (1-қават, 112-хона).**

Диссертация билан **Ўзбекистон Миллий университетининг** Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (9 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 700174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 400 уй. Тел: (99871) 246-08-62.

Диссертация автореферати 2021 йил «31» март кuni тарқатилди.  
(2021 йил «31» март даги 2 рақамли реестр баённомаси).



**А.Г. Шереметьева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, филология фанлари доктори, профессор

**Н.Э. Абдуллаева**

Илмий кенгаш  
фанлари буйича

**И.А. Сиддикова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, филология фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида фразеологик бирликлар ҳар бир халқнинг тарихи, турмуш тарзи, урф-одати ва анъаналарини ифодаловчи миллий тил ва нутқ хусусиятларининг универсал ва дифференциал ҳолатларини намоён этиши жиҳатидан доимий эътиборни тортиб келмоқда. Оламнинг фразеологик манзараси доирасида мезуратив фразеологизмларнинг лисоний хусусиятларини турли тизимли тиллар мисолида қиёсий-типологик аспектда очиб бериш, таркибининг семантик-корреляцион жиҳатларини таҳлил қилиш, этимологик манбаларини аниқлаш ҳамда мазкур тил бирликларининг ўзига хос тизим эканлигини асослаш лингвомаданий алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Дунё тилшунослигида фразеологик бирликларни антропоцентрик, семантик-прагматик, лингвомаданий-когнитив, лингвопсихологик, когнитив-семантик ва лингвокультурологик каби замонавий йўналишларда тадқиқ қилиш зарурати вужудга келди. Бу борада Ғарб ва Шарқ маданиятини ифодаловчи француз, ўзбек ва рус тилларидаги мезуратив фразеологизмларни чоғиштириб ўрганиш, уларнинг умумий ва дифференциал ҳолатларини аниқлаш, семантик-структур жиҳатларини фарқлаш, этнолингвистик хусусиятларини таҳлил қилиш, халқларнинг ўзаро маданий алоқалари натижасида юзага келган байналминал ҳамда универсал мезуратив фразеологизмларнинг этимологиясини илмий тадқиқ этиш тилшуносликнинг муҳим масалаларидан биридир.

Мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятига интеграллашуви ўзбек тилшунослигида лингвистик тушунчаларнинг таҳлили ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга қаратилган муҳим илмий изланишларни амалга оширилишига сабаб бўлди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...илмий тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш»<sup>1</sup>нинг устувор йўналиш сифатида белгиланилиши мамлакатимизда тилшуносликнинг янада ривожланиши, хусусан, турли тиллар тизимида мезуратив фразеологизмларнинг лингвомаданий хусусиятларини аниқлаш, тадқиқот доирасида мезуратив фразеологик бирликларнинг икки тилли (француз-ўзбек) тематик луғатини ишлаб чиқиш, ҳамда қиёсий тилшунослик соҳасини инновацион тамойил ҳамда мезонлар билан бойитиш заруратини юзага келтирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича «Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари,

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида // Халқ сўзи, 2017 йил, 8 февраль, №28 (6722). – Б.1-2.

2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон тилшунослигида фразеологиянинг алоҳида соҳа сифатида шаклланиши ва ривожланишига француз тилшуноси Ш.Балли<sup>2</sup>, рус олимлари В.Виноградов, Н.Шанский, А.Кунин, В.Мокиенко, А.Райхштейн<sup>3</sup>, шунингдек, француз фразеологиясини тадқиқ этган тилшунослар В.Гак, А.Назарян, Г.Соколова, И.Тимескова, А.Маматовлар<sup>4</sup>, шунингдек, ўзбек тилшунослари Ш.Раҳматуллаев, Ҳ.Бердиёров, Я.Пинхасов, А.Маматов, Б.Йўлдошев<sup>5</sup>лар муносиб ҳисса қўшишган.

Фразеологиянинг лингвокультурологик тадқиқи йўналиши ривожини хориж тилшуносларидан А.Вежбицкая, В.Телия, В.Маслова, Ю.Степанов, В.Гак<sup>6</sup> каби олимларнинг номлари билан боғлиқ.

Жаҳон тилшунослигида фразеологиянинг лисоний-маданий муаммолари тадқиқига бағишланган салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, мезуратив фразеологизмларнинг қиёсий-типологик, чоғиштира тадқиқи юзасидан С.Гуффон, Ж.Деваэл, М.Луи<sup>7</sup>, рус тадқиқотчиларидан О.Анжиганова,

<sup>2</sup> Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. – М.: Эдиториал УРСС, 2001. – 416 с.

<sup>3</sup> Виноградов В.В. Об основных типах фразеологических единиц в русском языке. – М.: Высшая школа, 1974. – 340-364-с.; Шанский Н.М. Фразеология современного русского языка. – М.: Высшая школа, 1969. – 315 с.; Кунин А.В. Курс фразеологии современного английского языка: – М.: Высшая школа, 1996. – 115-с.; Мокиенко В.М. Противоречия фразеологии и ее динамика: автореф. дисс.... докт.филол.наук. – Л.: Просвещение, 1976. – 79 с.; Райхштейн А.Д. Сопоставительный анализ немецкой и русской фразеологии. – М.: Высшая школа, 1980. – 143 с.

<sup>4</sup> Соколова Г.Г. Французская идиоматика XX века (национально-культурный аспект) // Актуальные проблемы романистики. Язык. Общество. Культура. – С.: Изд-во Саратовского ун-та, 1999. – 145-151-с.; Тимескова И.Н. Крылатые слова, их значение и происхождение. – Л.: Просвещение, 1974. – 231 с.; Маматов А.Э. Очерки по французской фразеологической стилистике. – Т.: Ўқитувчи, 1989. – 5-28-с.

<sup>5</sup> Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари. – Т.: Фан, 1966. – 131 б.; Бердиёров Ҳ. Фразеологик луғатлар тузиш масаласига доир//Фразеология масалалари. – С.: СамДУ, 1961. – 10,21-26-б.; Пинхасов Я.Д. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т.: Фан, 1969. – 54-б.; Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологияси ва фразеографиясининг шаклланиши ҳамда тараққиёти. – С.: СамДУ, 2013. – 116-120-б.

<sup>6</sup> Вежбицкая А., Понимание культур через посредство ключевых слов, М.: Языки славянской культуры, 2001. – 16-28-с.; Телия В.Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – М.: Языки русской культуры, 1996. – 288 с.; Маслова В.А. Лингвокультурология. – М.: Высшая школа, 2001. – 208 с.; Степанов Ю.С. Константы. Словарь русской культуры. Опыт исследования. – М.: Языки русской культуры, 1997. – 824 с.; Гак В.Г. Эмоции и оценки в структуре высказывание//Вестник Московского университета. Сер.9. Филология. – 1997. – №3. – 87-93-с.

<sup>7</sup> Sylvie Guffond. D'après un document d' A Rival. – L.: CPC. Bonneville, 2005. - 214 p.; Jean-Marc Dewaele. Saisir l'insaisissable. Les mesures de longueur d'énonces en linguistique appliquée. – Paris, 2008. – 228 p.; Michel Louis. Problèmes et Méthodes de Linguistique française. Le classement syntaxique et sémantique des adverbes en - ment compléments d'un verbe. In: Revue belge de philologie et d'histoire, tome 26, fasc. 3, 1948. - 697-715-p.

М.Копиленко, С.Швачко, Ю.Гвоздарев, Г.Соколова, В.Горделевский, Н.Марр, Ж.Омиралиева, А.Супрун<sup>8</sup>, ўзбек тадқиқотчиларидан А.Шакиров, Г.Исақова<sup>9</sup> ларнинг илмий тадқиқотлари эътиборга молик.

Фразеологизмларнинг лисоний, маданий хусусиятлари, уларнинг бошқа тил бирликларидан фарқи ҳамда лингвистик категориялари хусусида жуда кўп ишлар амалга оширилган бўлсада, бироқ ўзбек, рус ва француз тилларидаги мезуратив фразеологизмларнинг этимологияси, семантик ва структурал таркиби ҳамда лисоний-маданий хусусиятлари яхлит монографик ҳолда тадқиқ этилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ «Таржимашунослик ва тилшуносликнинг долзарб масалалари» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** француз, ўзбек ва рус тилларидаги мезуратив фразеологизмларининг лисоний-маданий ҳамда дифференциал хусусиятларини комплекс очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

мезуратив фразеологизмларга оид олиб борилган тадқиқотларни функционал-семантик аспектда ўрганиш;

сон компонентларнинг асосий рамзий манбаларини аниқлаган ҳолда мезуратив фразеологик бирликларнинг миллий-маданий жиҳатларини аниқлаш;

ўрганилаётган тиллар доирасида мезуратив фразеологизмларда сон компонентларнинг маҳсулдорлиги, грамматик шаклнинг барқарорлиги ва вариативлигини очиб бериш;

синонимия ва антонимия ҳодисалари асосида мезуратив фразеологик бирликларнинг семантик-корреляцион тавсифини аниқлаш;

француз, ўзбек ва рус тилларидаги мезуратив фразеологик бирликларда умумийлик ва миллийлик хусусиятларини ёритиб бериш;

ўрганилаётган тиллар доирасида мезуратив фразеологик бирликларнинг тематик луғатини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида француз, ўзбек ва рус тиллари фразеологик изохли луғатларида қайд қилинган мезуратив фразеологизмлар танланган.

---

<sup>8</sup> Анжиганова О.П. Словосочетания - с нумеративными словами в хакасском языке // Советская тюркология. – 1973. – № 4. – 86-91-с.; Копыленко М.М. Основы этнолингвистики. – Алматы, 1995. – 39-с.; Швачко С.А. Языковые средства выражения количества в современном английском, русском и украинском языках. – К.: Вища школа, 1981. – 6-с.; Гвоздарев Ю.А. Слово-символы как компоненты фразеологической единицы // Фразеологизм и слово в русском языке. – Р.-Д.: Феникс, 1983. – 27-31-с.; Соколова Г.Г. Составляющие коннотативного значения фразеологические единицы // Лингвистические проблемы перевода. – Москва, 1981. – 340 с.; Горделевский В.А. Числительное 50 в турецком языке // Избранные сочинения. – М.: Высшая школа, 1961. Т. II. – 123-с.; Марр Н.Я. О числительных // Языковедные проблемы по числительным. – Ленинград, 1927. – 45-с.; Омиралиева Ж.К. Национально-культурная специфика конвенциональных фразеологизмов с соматизмами (на материале русского, казахского и английского языков): дисс. канд. филол. наук. 10.02.20. – Алматы, 1999. – 8-с.; Супрун А.Е. О фразеологических единицах с числительным // Вопросы фразеологии. – Ташкент, 1965. – 169-170-с.

<sup>9</sup> Шакиров А.С. Семантические особенности имен -числительных, входящих в состав нумеративных фразеологизмов разносистемных языков // Фразеология в аспектах стилистики и словаря. Сб. научных трудов. – Самарканд, 1992. – 110-с.; Исақова Г.Н. Ўзбек тилида «қилмоқ» феълининг лексик-семантик хусусиятлари. НДА. – Тошкент, 2008. – 13-16-б.

**Тадқиқотнинг предмети**ни француз, ўзбек ва рус тилларидаги мезуратив фразеологизмларнинг лисоний хусусиятларини ҳамда уларнинг универсал ва дифференциал белгиларини аниқлаш ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда чоғиштирма, этимологик, концептуал, компонент, микдорий ва кросс-маданий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

француз, ўзбек ва рус тилларидаги мезуратив фразеологизмлар лексик ва грамматик ўзгаришлар натижасида лексик-грамматик ҳамда эллиптик вариантларни ҳосил қилиши синонимия, антонимия, вариантлик ҳодисалари асосида аниқланган;

чоғиштирилаётган тиллардаги мезуратив фразеологик бирликлар орасида бирдан ўнгача ораликдаги рақамлар фразеологизмлар таркибида рамзий маъносига кўра бир хил қарашга эга бўлган универсал тизимни ҳосил қилиши асосланган;

француз, ўзбек ва рус тилларидаги мезуратив фразеологизмларнинг фарқли томонлари ушбу халқларнинг урф-одатларини ифодаловчи эквивалентсиз сўздан ташкил топганлиги, ўхшашлиги эса семантик образлиликнинг яқинлиги натижасида юзага келиши орқали очиқ берилган;

турли тизимли тилларда инсонни характерловчи мезуратив фразеологик бирликларнинг ижтимоий-маданий тематик таснифи инсоннинг ташқи кўриниши, хулқ-атворидаги ақллилик, меҳнатсеварлик, жасурлик, камтарлик, тўғрилиқ каби ижобий ва билимсизлик, баднафслиқ, иккиюзламачилиқ, очкўзлик, хасислик каби салбий жиҳатлари асосида ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

мезуратив фразеологик бирликларнинг қиёсий-чоғиштирма таҳлили француз, ўзбек ва рус халқлари менталитетининг ўзига хослигини аниқлашда хизмат қилиши исботланган;

тадқиқ қилинаётган тиллардаги мезуратив фразеологизмлар умумий семантик образлиқ ва халқлар менталитетининг ўзига хос хусусиятларини ақс эттиришига кўра тематик таснифи ишлаб чиқилган;

француз, ўзбек ва рус тилларидаги мезуратив фразеологик бирликлар тематик луғати яратилган.

**Илмий тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг аниқ қўйилганлиги, назарий маълумотларнинг мавжуд илмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлилларнинг чоғиштирма, тавсифлаш, таснифлаш, компонент таҳлил методи, этнолингвистик таҳлил, контекстуал ҳамда микдорий таҳлил усуллари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилинганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти француз, ўзбек ва рус тилларидаги мезуратив фразеологик бирликларнинг этимологияси, семантикаси, лингвомаданий хусусиятларини, уларнинг образлиқ даражасини ёритиб беришга оид назарий



хулосалардан фразеология ва фразеография йўналишидаги ишларда илмий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий ўқув юртларининг филология таълим йўналишларида «Замонавий фразеологиянинг долзарб муаммолари», «Замонавий лингвистика», «Қиёсий тилшунослик», «Чоғиштирма тилшунослик» фанларни ўқитишда фразеологияга доир мавзуларни режалаштириш ҳамда баён этишда манба вазифасини ўташи, лексикография соҳаси ходимлари учун мезуратив фразеологик бирликлар луғатини тузиш имкониятини яратиши, тўпланган лингвистик воситаларнинг маъновий хусусиятларига оид назарий фикрлар лингвомаданий воситаларнинг тадқиқи доирасини чуқурлаштириши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Француз, ўзбек ва рус тилларида мезуратив фразеологизмларнинг лисоний хусусиятларига доир ишлаб чиқилган назарий ва амалий хулоса, тавсия ва ишланмалар асосида:

француз, ўзбек ва рус тилларидаги мезуратив фразеологик бирликларнинг синонимия ва антонимия ҳодисалари асосидаги структур типологик хусусиятлари таҳлиliga доир илмий-назарий хулосалардан ЁА-1-06 рақамли «Профессионал таржимонларни тайёрлашда сифат назоратини ташкиллаштиришга компетент ёндашув» мавзуидаги амалий лойиҳа йўналишининг «Маданиятлараро мулоқотни ривожлантиришда таржиманинг роли» қисмида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9 декабрдаги 89–03–5146-сон маълумотномаси). Натижада, мезуратив фразеологик бирликларнинг лисоний хусусиятлари турли тизимли тилларда интралингвистик ва экстралингвистик омилларга боғлиқлигини асослашга эришилган;

чоғиштирилаётган тиллардаги урф-одатлар билан боғлиқ бирдан ўнгача ораликдаги рамзий маънога эга мезуратив фразеологизмларнинг лингвомаданий хусусиятлари тўғрисидаги илмий хулосалардан «Project 598340-EPP-1-2018-1-ES-EPPKA2-CBHE-JP University Cooperation Framework for Knowledge Transfer in Central Asia and China (UNICAC)» мавзуидаги халқаро фундаментал лойиҳанинг «Магистратура талабалари учун онлайн дарсларни ташкил этиш» қисмида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9 декабрдаги 89–03–5146-сон маълумотномаси). Натижада, турли тизимли тилларда мезуратив фразеологизмлар рамзий маъносининг фарқли ва ўхшаш жиҳатларини аниқлаш ва фарқлашга эришилган;

қиёсланаётган тиллардаги мезуратив фразеологизмларнинг дифференциал хусусиятларига оид илмий материалларидан «Ўзбекистон тарихи» телеканалида намойиш этилган «Такдимот» ва «Мавзу» номли саҳифаси сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг «Ўзбекистон телерадиоканали» давлат унитар корхонасининг 2020 йил 24 ноябрдаги 01-13-1167-сон маълумотномаси). Натижада, француз, ўзбек ва рус тилларидаги мезуратив фразеологизмларнинг миллий-маданий хусусиятларига оид назарий маълумотлар оммалаштирилган;

турли тизимли тилларда мезуратив фразеологизмларнинг ҳажм ва сифим, масофа ва макон, миқдор ва ўлчов бирликлари бўйича аниқлаштирилган тематик гуруҳларни ўз ичига олган лексик манба асосида луғат тузиш тамойилларига доир илмий-назарий хулосалардан ЁА-1-06 рақамли «Профессионал таржимонларни тайёрлашда сифат назоратини ташкиллаштиришга компетент ёндашув» мавзуидаги амалий лойиҳанинг «Таржимонлар учун луғат яратиш» қисмида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9 декабрдаги 89–03–5146-сон маълумотномаси). Натижада, шу соҳа бўйича махсус икки ёки кўп тилли мезуратив фразеологизмларнинг изоҳли ва таржима луғатларини яратишга асос бўлиб хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари илмий маъруза кўринишда 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш эълон қилинган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, шулардан 6 таси республика ва 3 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат бўлиб, 172 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, амалий натижалари ва илмий янгилиги баён қилинган, тадқиқотда олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Мезуратив фразеологизмларни ўрганишнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи боби мезуратив бирлик ва мезуратив фразеологизм тушунчаси, унинг тил ва мантиқ бўйича ўзаро боғлиқлиги, мезуратив фразеологизмларнинг қиёсланаётган тиллар маданиятидаги ўрни тадқиқи муаммоларига бағишланган.

Кейинги йилларда тилшуносликда лингвистика фанининг ажралмас қисми ҳисобланган фразеология кенг ва ҳар томонлама тадқиқ қилинса-да, фразеологик бирликларнинг назарий масалалари, уларнинг мезон ва белгилари, фразеография масалалари ва бошқа бир қатор амалий муаммолар ҳақида фразеолог-тилшунослар ўртасида анча мунозарали ўринлар мавжуд.

Инсон ўз тафаккурига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган, ҳаракатнинг абадийлигини тан олмасдан тўғри тушунилиши мумкин бўлмаган объектив дунёда яшайди. Объектив дунёдаги ҳар қандай нарса миқдорий хусусиятларга эга: дарахт баланд ва паст, кўча кенг ва тор, уй катта ёки кичик бўлиши мумкин<sup>10</sup>. Ҳар қандай тилда миқдор категорияси бўлган сондан ташқари сон туркумига ҳеч қандай алоқаси бўлмаган, аммо миқдорий маънони билдирувчи сўзлар мавжуд. Жумладан, таниқли тилшунос олим В.В.Виноградовнинг фикрича, бирон нарсанинг энг минимал (майда) миқдори рамзига айланган *томчи* (*фр.* - *goutte*, *рус* - *капля*) сўзини келтириш мумкин<sup>11</sup>. Профессор М.М.Копиленко бундай сўзларни *мезуративлар* деб номлашни таклиф этади ва мезуратив атамасини илк бора илмий муомалага олиб киради<sup>12</sup>.

Бизнинг тушунчамизда *мезуратив* (лотинча *mensura* – ўлчаш, ўлчов, ўлчам, катталиқ, қиймат, миқдор) – бу тобе от бўлиб, ўзак сўзни аниқлайди ва уни миқдор жиҳатидан характерлайди. Мезуратив фразеологик бирлик – бу фразеологизм бўлиб, сондан ва отдан ташкил топган мураккаб (кўшма) аниқловчи ўзига ўхшаган кўп предметлардан сондаги репрезентациясини белгилаб берувчи миқдорий атрибут бўлиб келади. Мезуратив фразеологик бирлик сон + мезуратив + отдан ташкил топиб, семантик марказ сифатида от, аниқловчи сўз бўлиб сон ва мезуративдан иборат бўлган кўшма аниқловчи келади.

Француз олимларидан С.Гуффон<sup>13</sup>, М.Луи<sup>14</sup> ва Ж-М.Деваэл<sup>15</sup> ўзларининг тадқиқотларида оғирлик, катталиқ ва бошқа ўлчовларни мезуративлар деб атаганлар.

Ўзбек тилшунос олимларидан А.С.Шакиров<sup>16</sup> нумеративлар устида тадқиқот олиб борган. Таниқли олим О.П.Анжиганова ўзининг мақоласида нумератив сўзларни *мезуративлар* деб аташни таклиф этади. Унинг фикрига кўра, «туркий тилларда тобе сўз ҳоким сўзни белгилаган ҳолда сифат жиҳатдан эмас, миқдор жиҳатдан тавсифловчи от туркумига тегишли сўз бирикмалари кенг тарқалган. Бундай отлар туркологияга оид адабиётларда нумератив сўзлар деб аталади. Нумератив сўзлар иштирок этган бирикмалар сон, нумератив сўз ва отдан ташкил топган бўлади...»<sup>17</sup>. О.П.Анжиганова нумератив сўзлардан ташқари яна бир гуруҳни ажратади ва уларни «халқ нумеративлари» деб номлайди. Ушбу гуруҳга *боғлам*, *қучоқ*, *қошиқ*, *ёғоч бочка* ва ҳ.о. киритиш мумкин. С.А.Швачконинг таъкидига кўра «нумерал сўз кўпчилик ўхшаш

<sup>10</sup> Швачко С.А. Языковые средства выражения количества в современном английском, русском и украинском языках. – К.: Вища школа, 1981. – 6-с.

<sup>11</sup> Гвоздарев Ю.А. Слово-символы как компоненты фразеологической единицы // Фразеологизм и слово в русском языке. – Р.-Д.: Феникс, 1983. – 27-31-с.

<sup>12</sup> Копыленко М.М. Основы этнолингвистики. – Алматы, 1995. – 39-с.

<sup>13</sup> Sylvie Guffond. D'après un document d' A Rival. L.: CPC. Bonneville, 2005. - 214 p.

<sup>14</sup> Michel Louis. Problèmes et Méthodes de Linguistique française. Le classement syntaxique et sémantique des adverbess en - ment compléments d'un verbe. In: Revue belge de philologie et d'histoire, tome 26, fasc. 3, 1948. - 697-715-pp.

<sup>15</sup> Jean-Marc Dewaele. Saisir l'insaisissable? Les mesures de longueur d'énoncés en linguistique appliquée. Paris, - 2008. – 228 p.

<sup>16</sup> Шакиров А.С. Семантические особенности имен-числительных, входящих в состав нумеративных фразеологизмов разносистемных языков//Фразеология в аспектах стилистики и словаря. Сб. научных трудов. – Самарканд, 1992. – 110-с.

<sup>17</sup> Анжиганова О.П. Словосочетания - с нумеративными словами в хакасском языке//Советская тюркология. – 1973. – № 4. – 86-91-с.

предметлар орасидан бирининг миқдорий ифодасини фаоллаштирувчи сон атрибути сифатида намоён бўлувчи бирикмани ҳосил қилади. Ушбу бирикма воқеликнинг миқдорий ифодаловчи фрагментининг таркибли (мураккаб) номидир»<sup>18</sup>. *Нумерал сўз* терминини *мезуратив* термини билан алмаштиришнинг сабаби нумератив сўз (*нумерал сўз, халқ нумеративлари, кўп, кам, ярим* каби сўзлар)<sup>19</sup> гуруҳларини аниқлашдаги терминологик жиҳатдан номукамаллик ҳисобланади. Таҳлиллардан кўринадики, М.М.Копиленконинг мезуратив соҳасидаги илмий қарашларига таяниб, мазкур бирликни, давом қилувчи сўзни аниқлаган ҳолда уни миқдор жиҳатдан тавсифловчи тобе сўз (от туркумига оид сўз) сифатида талқин этиш мумкин.

Сон тушунчаси айрим предметларни ҳисоблаш зарурати асосида пайдо бўлган ва кишиларнинг муайян маданий-тарихий тажрибага асосланган амалий фаолиятларида муҳим роль ўйнаган<sup>20</sup>. Турли кўпликларнинг тенг миқдорлилигини аниқлаш учун дастлаб бирдан ортиқ аниқ кўплик, масалан, тошчалар, таёқчалар, кўл бармоқлари, оёқ панжалари ва инсон танасининг бошқа ташқи аъзоларидан фойдаланилган. Ўнлик, бешлик ва йигирмалик ҳисоблаш тизимларининг элементлари шундан далолат берадики, бу миқдор категориясини аниқлашнинг илк босқичи эди.

Тадқиқот натижаларига кўра, биринчи сон (рақам)лар:

француз тилидаги – *un, deux, trois*, ўзбек тилидаги – *бир, икки, беш*, рус тилидаги – *один, два, три* сонлари мезуратив фразеологик бирликларнинг ясалишида анча маҳсулдор ҳисобланадики, бу ҳолат берилган сонларнинг моддий дунё ва инсонларнинг дунёқарашлари билан боғлиқлигидан далолат беради. Бундан ташқари, *йигирма, ўттиз, эллик, олтмиш* ва бошқа бир қатор сонлар морфологик тузилишининг мураккаблашиши уларда фразеологик фаолликнинг пасайишини кўрсатади.

Ўзбек тилидаги миқдор категорияси Г.Исақова<sup>21</sup>нинг номзодлик ишида атрофлича таҳлил қилинган. Олима «қилмоқ» феъли иштирокида ҳосил бўлган фразеологик бирикмаларни тадқиқ этар экан, фразеологик бирикмалар таркибидаги мазкур феъл билан боғлиқ сонларнинг миқдорни англатувчи сема сифатидаги хусусиятларига эътибор қаратади. Масалан, *бирини икки қилмоқ, нонини бутун қилмоқ, нонини яримта қилмоқ* каби фразеологизмларда «миқдор» семаси коннотатив маънога эга. Баъзан бу каби фразеологик бирикмалар таркибида миқдор сонлар ўрнини отлар эгаллаган ҳолатлар ҳам учрайди: *нонини туя қилмоқ*. Шундай ҳолатлар ҳам борки, фразеологизмлар таркибида сон компонент иштирок этган бўлса-да, «миқдор» категорияси мавжуд эмас, масалан, *гапни бир қилмоқ, бир сўзни икки қилмоқ, бошини икки қилмоқ, обрўсини бир пул қилмоқ, етти букилиб таъзим қилмоқ, бир ёқли қилмоқ* каби иборалар семантикасида «миқдор» категорияси яққол кўзга ташланмайди.

<sup>18</sup> Швачко С.А. Языковые средства выражения количества в современном английском, русском и украинском языках. – К.: Вища школа, 1981. – 36-с

<sup>19</sup> Бромлей Ю.В. Этнос и этнография. – М.: Высшая школа, 1973. – 41-с.

<sup>20</sup> Жуков В.П. О знаковости компонентов фразеологизма//Вопросы языкознания. – Москва, 1975. – № 6. – 47-с.

<sup>21</sup> Исақова Г.Н. Ўзбек тилида қилмоқ феълининг лексик-семантик хусусиятлари. НДА. – Тошкент, 2008. – 13-16-б.

**«Француз, ўзбек ва рус тилларидаги мезуратив фразеологизмлар семантик категориялар сифатида»** деб номланган иккинчи бобда мезуратив фразеологизмларда синонимия ҳодисаси ва антонимия ҳодисаси ҳамда вариантлик каби лисоний хусусиятлар таҳлил қилинади.

Соҳа олимлари томонидан тақлиф этилган таснифларга асосланиб, ушбу ҳодисанинг ўрганилишида А.Г.Назаряннинг комплекс ёндашувини асос сифатида қабул қилган ҳолда биз француз, ўзбек ва рус тилларидаги мезуратив фразеологизм-синонимларни қуйидаги: а) семантик; б) структур – грамматик белгиларига кўра таҳлилга тортдик. Мазкур хусусиятлар орқали чоғиштирилаётган тиллардаги синонимик хусусиятга эга мезуратив фразеологик бирликларнинг умумий ва хусусий жиҳатларини аниқлаймиз.

Ўзаро синоним бўлган мезуратив фразеологизмлар семантик белгиларига кўра нисбатан тўла ва қисман, лексик маънолар орасидаги ўзаро муносабатларга кўра фразеологик бирликлар – синонимларни нисбатан ўзаро алмашинадиган ва қисман алмашинадиган икки гуруҳга ажратиш мумкин. Қисман синоним бўлган мезуратив фразеологизмларга хос бўлган хусусият, одатда, бир хил предметга тегишлилик, маъно қирралари, образлилик ва стилистик бўёқдаги номутаносиблик ҳисобланади.

Чоғиштирилаётган тиллардаги нисбатан ўзаро алмашинадиган мезуратив фразеологик бирликлар бир хил предметга тегишлилик хусусиятига эга, улар услубий оидликка кўра, шунингдек, маъно белгиларига кўра бир-бирига мос тушиши ёки фарқланиши мумкин. Худди шунга ўхшаш ҳодиса, яъни ўзаро алмашинув, синонимик жуфтликдаги фразеологик бирликлар маъносидан бирининг бошқа бирининг маъноси билан қисман мос келиш ҳолатлари кузатилмайди. Масалан, «бир уй ичида, бир хонадонда яшамок (бўлмоқ ва б.)» маъносидаги француз тилидаги *sous un toit; sous le même toit*; ўзбек тилида *бир том остида* мезуратив фразеологизми билан бир хил бўлиб, *respirer un air*, яъни *бир ҳаводан нафас олмоқ* фразеологизмининг биринчи маъноси «бирга яшамок, умумий, муштарак манфаатга эга бўлмоқ, ҳамжиҳатлик» маъносида фразеологик бирликнинг синоними бўлади, бироқ «бирортасининг гуруҳи, жамоасида бирга бўлмоқ» деган иккинчи маъносига мос келмайди. Худди шундай мезуратив фразеологизмни рус тилида ҳам учратиш мумкин *под одной крышей – дышать одним воздухом*. Чоғиштирилаётган тиллардаги мезуратив фразеологик синонимлар услубий хусусиятларининг қуйидаги тенденциялар аниқланган: ҳар қандай синонимик катакда ушбу тил бирликлари бўлган синонимлар, асосан, турли нутқ услубларига тегишли бўлиб, улар экспрессив бўёғи билан ажралиб туради ва ажратиб кўрсатилган объектга турли хил баҳолавчи тавсиф беради ҳамда уларнинг негизида ётган образлар билан алоҳидалик касб этадики, бу нарса матн услубий структурасидаги турли вазифаларни бажариш имконини беради.

Қиёсланаётган тиллардаги антонимик мезуратив фразеологизмлар турли компонентли бирликлар билан ифодаланади: 1) бирорта ҳам умумий компонентга эга бўлмаган фразеологик антонимлар (масалан, фр. *sot en trois lettres*; рус. *голова два уха*; ўзб. *икки қулоғига гап кирмайди* – лапашанг, калтабин (калтафаҳм) одам, бефаҳм, бефаросат, бетамиз одам. Кимнидир

муфассал, кўпинча, салбий тавсифи ўрнига ишлатилади; ант. фр. *avoir la sagesse de Salomon; avoir la science infuse*; рус. *семи пядей во лбу* – жуда ақлли, доно, мияли, билимдон; зехни ўткир; 2) фақат битта умумий компонентга эга бўлган фразеологик антонимлар *бири боздан, бери тоғдан гапирмоқ* – турли нарсалар ҳақида гапирмоқ, бир-бирини тушунмаслик ҳақида; ант. *бир тугунга келмоқ* – умумий қарорга, битимга келмоқ; фр. *homme à ne pas se laisser intimider*; рус. *робкого десятка кто* – кўрқоқ, юраксиз, ҳуркович; ант. фр. *homme qui n'a pas froid aux yeux*; рус. *не (из) трусливого десятка кто* – жасур, ботир, кўрқмас, довюрак, кўрқмайдиган, юракли, дадил, мардона.

Қиёсий-чоғиштирилаётган тилларда мезуратив фразеологик бирликларнинг куйидаги вариантлари ажратилди: 1) лексик, 2) грамматик, 3) лексик-грамматик, 4) фонетик.

Француз, ўзбек ва рус тилларидаги мезуратив фразеологик бирликларнинг вариантлари ўртасида лексик алмаштиришлар биттадан ортиқ компонентлар орасида ҳам юз бериши мумкин: фр. *l'un tire à hue et l'autre à dia (l'un tire à dia et l'autre à hue)* – бири боққа тортса, иккинчиси тоққа тортади; ўзб. *тўрт (етти) мучаси соғ бўлмоқ* – жисмонан соғлом одам ҳақида; рус. *видеть на два (три) аршина в землю* – ўта зийраклик билан ажралиб турмоқ, яъни ер тагида илон қимирласа билмоқ.

Мезуратив фразеологик бирликлар таркибида бир вақтнинг ўзида лексик ва грамматик ўзгаришлар натижасида лексик-грамматик вариантлар ҳосил бўлади, масалан: фр. *avoir un cheval tué sous soi* (ёки *deux, trois chevaux tués*) *sous soi* – мақсад сари интилмоқ, курашни мардларча давом эттирмоқ; ўзб. *икки марта ўйланмоқ = икки ўйда (хаёлда) бўлмоқ* – ҳардамхаёл бўлмоқ, иккиланмоқ, тараддудда қолмоқ, тараддудга тушмоқ, ора йўлда қолмоқ, тараддудланмоқ; рус. *попадать на седьмое небо* – завқланмоқ, завқланиш, ҳузур-ҳаловатни, чексиз бахтни бошдан кечирмоқ – *быть на седьмом небе* – боши кўкка етмоқ; оғзи қулоғида бўлмоқ; терисига сиғмаслик; ўзида йўқ хурсанд бўлмоқ; *один шаг от чего* – унча узоқ эмас, жуда яқин – *в двух (трех, нескольких) шагах от кого, от чего* – бутунлай яқин, узоқ эмас. Эллиптик вариант бошланғич, тўлиқ шаклига нисбатан фразеологик бирликнинг қисқартирилган шаклидан иборат. Фр. *à la une, à la deux, à la trois!* – Қани, бир, икки олдик!; ўзб. *бир жон* – ёлғиз одам, якка ўзи (ёлғиз, танҳо бир ўзи) яшовчи, ишловчи одам, танҳо, бошқалардан ажралган, сўппайган, сўққайган, сўққа бош; у дастлабки *бир жон, бир тан*<sup>22</sup>нинг қисқартирилган фразеологик бирлиги ҳисобланади – 1) ҳамфикрлар, маслакдошлар ҳақида; 2) битта ўзи, ёлғизгина, ўзигина, ёлғиз ўзи, ҳеч кимсасиз фразеологик бирлигининг қисқартирилган шаклидир.

Рус тилининг мезуратив фразеологик бирлиги *с куска на кусок* – зўрға, аранг, зўрғадан, бир амаллаб, амал-тақал қилиб, катта қийинчиликда, муҳтожлик ва етишмовчиликларга чидаб (яшамок) тўлиқ фразеологик бирлик *перебиваться с куска на кусок* – «озиқ-овқатга кучли муҳтожликни сезмоқ»нинг эллиптик варианты ҳисобланади<sup>23</sup>;

<sup>22</sup> Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – 40-б.

<sup>23</sup> Молотков А.И. Фразеологический словарь русского языка. – М.: Высшая школа, 1996. – 544 с.

**«Француз, ўзбек ва рус тилларида мезуратив компонентли фразеологик бирликлар миллий-маданий хусусиятларининг чоғиштирма таҳлили»** деб номланувчи учинчи боб қиёсланаётган тиллардаги мезуратив фразеологизмлар оламнинг лисоний манзарасида ифодаланиши, шунингдек, француз, ўзбек ва рус тилларидаги мезуратив фразеологик бирликларда умумийлик ва миллийлик хусусиятлари ҳамда мезуратив фразеологизмларнинг тематик таснифи масаласига бағишланган.

Қиёсланаётган тиллардаги мезуратив фразеологизмлар оламнинг лисоний манзарасида замон ва макон категориялари асосида ўрганилди.

Турли халқларда замон маъносини ифодаловчи бирликлар вақтнинг муайян давомийлиги (*аср, йил, ой, ҳафта, кун, тун, соат, дақиқа, сония* ва б.), ноаниқ давомийлиги (*лаҳза, он, абадият* каби) кесимини ифодаловчи ўлчов саналади.

Макон категорияси, яъни макон қисмлари, воқелик, борлиқ фрагментлари турли-туман ва улар маконнинг турли ўлчовлари ҳақида маълумот бериши мумкин. Уларни қуйидаги турларга бўлиш ўринли:

1. Узунлик ўлчови: фр. *le sens de la longueur* – бўйламасига; чўзиқлик; *les surfaces et les volumes* – юзалар, ҳажмлар; давомлилик, давом этиш; *à longueur de* – бўйи, давомида, узок; ўзб. *бармоқ (бармоқ билан санарли); қарич (бир қарич); қулоч (бир қулоч); қадам (беш қадам ер);* рус. *верста* – чақирим, (*коломенская верста* – новча, узун бўйли одам); *шаг* – қадам, (*черепашим шагом идти (двигаться)*) – тошбақа юриш билан (жуда секин) ҳаракат қилмоқ ва б.

2. Оғирлик ўлчови: фр. *poids* – оғирлик, вазн, юк (*d'un poids faible* – енгил вазн; *d'un grand poids* – оғир вазн);<sup>24</sup> ўзб. *вазн, масса, мисқол, харвор, ботмон, қоп, сандиқ, сават (бир ботмон, бир мисқол, бир сандиқ, бир сават, бир қоп)* ва б.; рус. *пуд* – (16,3 кг.га тенг оғирлик ўлчови); *лот* – лот (12,8 граммга тенг қадимги оғирлик ўлчови); *фунт* – қадок (409,5 граммга тенг оғирлик ўлчови); *фунт* (Англия ва бошқа Европа мамлакатларида: 453,6 граммга тенг оғирлик ўлчови); *золотник* – *олтин танга*, мисқол (1/96 фунт ёки 4,26 граммга тенг оғирлик ўлчов бирлиги) (*мал золотник, да дорог* – озгинаю созгина; ўзи бир мисқолу, қадри баланд).

3. Ҳажм ва сифим ўлчови: фр. *seau (челак); bol (пиёла, коса, бир луқма), tasse (чашка), tonneau (идиш, бочка)* (*il pleut a seau* – челаклаб қуймоқ) каби идишлар билан ҳажм ёки сифимни билдиради, бундан ташқари умумийликни билдирган лексик бирликлар ҳам қўлланилади; ўзб. *пақир, челак, хум, коса, пиёла, бочка, ҳовуч, белгача* сўзлари ишлатилади. Масалан, *пақирлаб (челаклаб) қуйгандек* – мезуратив фразеологик бирлигини ёмғир шаррос қуйганда айтилади; рус. *бочка, сосуд (идиш), котел (қозон), кадъ, горшок (хумча), чан (бочка), братина (шароб ичиладиган катта жом)* ва б. (*от горшка два (три) вершка* – ердан бичиб олгандек; яккам бир қарич; пак-пакана одам).

Ҳозирги замон лингвокогнитив тадқиқотларида замон (вақт) муаммоси анча кенг ёритилган. Одатда, замон тушунчаси *ҳаракат, оқим, ўзгариш, кетма-кетлик, давомийлик, абадийлик* ва бошқа шунга ўхшаш тушунчалар билан белгиланади. Буларда замон вақтнинг ўзи орқали кўриб чиқилади. Бироқ замон

<sup>24</sup> Французча-ўзбекча луғат//Байрам Балчи. – Т.: ИФЕАС, 2008. – 384 б.

категорияси чексизлик ёки муайян муддатнинг намоён бўлиши сифатида умумийдан хусусийни алоҳида ажратишга асосланган ўлчов (мезон) категорияси билан чамбарчас боғлиқ.

Тилда вақт категорияси кенг планли, гетерогенли категория ҳисобланиб, оламнинг лисоний манзарасида ўз аксини топади. Масалан, оламнинг лисоний манзарасида **вақт (замон)** концепти а) суюқлик образини ифода этади *le temps passe, s'écoule – вақт - оқар сув – время течет*. В.А.Маслованинг фикрига кўра, оламнинг лисоний манзарасида «замон тушунчаси такрорийлик, мунтазамлик, цикллилик тушунчалари билан чамбарчас боғлиқ»<sup>25</sup>, чунки этимологик нуқтаи назардан рус тилидаги *вақт – время \*uertmen сўзи айланмоқ, урчуқ* билан узвий боғлиқ<sup>26</sup>.

Замон (вақт) категорияси ҳар учала тилда ҳам оламнинг лисоний манзарасида кўп сонли фразеологизмлар, мақол ҳамда маталлар орқали кенг миқёсда ва тўла акс этади. Турли ҳаракатлар орасидаги муносабат қанчалик давом этилишига кўра аниқ тафаккур қилинади, яъни вақт нуқтаи назаридан қанча давом этишига қараб тафаккур қилинади.

*Эра, давр, аср* каби маълум бир вақт бўлагини англатувчи birlikлар оламнинг лисоний манзарасидаги репрезентация, яъни қайта ифодалашда қўлланилади. Муҳим аҳамиятга эга бўлган воқеалар билан тавсифланувчи вақт, вақт кесими сифат аҳамиятига ҳам эга, ҳамда маданий мазмун билан пайвандланган. Оламнинг лисоний манзарасида *аср*, яъни француз тилида *siècle*, рус тилида *век* лексемаси инсоннинг ҳаёт фаолияти сфераси ифодаси билан боғлиқ. *Аср*, юз йил ёки номаълум бир давр ҳақидаги тасаввурларни уйғотишга қодир: *il y a une siècle, que ...; de son siècle*.

Миллий-маданий ўзига хосликларни белгиловчи экстралингвистик факторлар генетик жиҳатдан турлича бўлган тиллардаги сонларнинг рамзий маънолари орқали мезуратив фразеологизмларнинг умумий ва миллий-ўзига хосликларни аниқлашга хизмат қилади.

Француз, ўзбек ва рус тилларидаги мезуратив фразеологизмларнинг 1-жадвалда акс эттирилган миқдорий ҳисобларининг натижаларини кўриб чиқамиз.

1-жадвал

Санок сонлар					
Компонент-сон	Мезуратив ФБларнинг француз тилидаги сони	Компонент-сон	Мезуратив ФБларнинг ўзбек тилидаги сони	Компонент-сон	Мезуратив ФБларнинг рус тилидаги сони
1	2	3	4	5	6
un /1/	125	бир /1/	132	один /1/	140
deux /2/	52	икки /2/	24	два /2/	46
trois /3/	16	қирқ /40/	14	три /3/	18
cinq /5/	15	тўрт /4/	11	семь /7/	14
six /6/	14	беш /5/	8	четыре /4/	8
quatre /4/	13	етти /7/	8	ноль /0/	7
cent /100/	11	ўн /10/	6	сто /100/	7

<sup>25</sup> Маслова В.А. Когнитивная лингвистика. Учеб. пособие.– М.: Тетра Системс, 2004. – 75-с.

<sup>26</sup> Фасмер М. Этимологический словарь русского языка: В 4-х т. т.1. – М.: Прогресс, 1986. – 361-с.



mille /1000/	10	минг /1000/	5	десять /10/	5
zero /0/	9	уч /3/	4	пять /5/	4
sept /7/	8	олти /6/	3	шесть /6/	1
dix /10/	8	тўққиз /9/	2	восемь /8/	1
huit /8/	5	тўхсон тўққиз /99/	2	девять /9/	1
onze /11/	4	ўн тўрт /14/	1	одиннадцать /11/	1
neuf /9/	3	ўн беш /15/	1	тринадцать /13/	1
douze /12/	3	ўн саккиз /18/	1	шестнадцать /16/	1
quarante /40/	2	ўттиз /30/	1	двадцать пять /25/	1
million /1000000/	2	ўттиз икки /32/	1	тридцать /30/	1
quatorze /14/	1	қирқ бир /41/	1	сорок /40/	1
dix-neuf /19/	1	олтмиш /60/	1	сорок один /41/	1
		етмиш /70/	1	сто восемьдесят /180/	1
		бир юз саксон /180/	1	тысяча /1000/	1

Негиз сонларнинг энг фразеологик маҳсулдорликка француз ва рус тилларида *бир, икки, уч*, ўзбек тилида *бир, икки, тўрт ва беш* эгаллик қилади. Француз ва рус тилида, ўзига хос грамматик тузилиш туфайли мезуратив фразеологик бирликларни ҳосил қилишда тартиб сонлар иштирок этади, бу ҳолни ўзбек тилига тўғри келмайди Француз, ўзбек ва рус тиллари мезуратив фразеологизмларини шакллантиришда сонларнинг маҳсулдорлиги сабаблари тадқиқ қилинаётган тиллар фразеологизмларининг таркибида ушбу сонларнинг маънолари қай даражада намоён бўлиши билан боғлиқ. Қиёсланаётган тилларда мезуратив фразеологик бирликларнинг универсал хусусияти ҳар учала тилда энг сермахсул бўлиб децима (бир билан ўнлик оралиғи) санок тизимидаги дастлабки сонлар ҳисобланишидир. Бунинг устига, номерлаш концепциясининг пайдо бўлиши инсоният тарихининг энг эрта даврига, биринчи ўнликлар одамларнинг амалий фаолиятида катта роль ўйнаган даврига тегишли, зеро, айнан дастлабки сонлар учала халқ маданиятида универсал аҳамият касб этган.

Сонларга бириктирилган тушунчалар тахминан ўша табиат ва келиб чиқишга эга ҳамда одамларнинг маълум маданий-тарихий тажрибасини акс эттиради.

Ўзбек тилининг фразеологиясида “қирқ” сонининг тарқалганлиги В.А.Горделев томонидан шундай тушунтирилади: турк халқларида *қирқ* сони катта роль ўйнайди ва, шубҳасиз, у предметлар ҳамда ҳодисаларни ҳаддан ташқари катта миқдорини ифодалашдаги максимал сон бўлган<sup>27</sup>.

<sup>27</sup> Стефаненко Т.Г. Этнопсихология. – М.: ИП РАН, Академический проект; Екатеринбург: Деловая книга, 2000. – 132-с.

Қиёсий-чоғиштирилаётган тиллардаги мезуратив фразеологик бирликларда таркибли сонлар маҳсулдорлиги пастлигининг сабаби сонларнинг семантикасига ва морфологик структураси характериға боғлиқ, уларнинг мураккаблашуви фразеологик маҳсулдорликни пасайтиради. Таъкидлаш жоизки, икки хонали сонли мезуратив фразеологик бирликлар фоиз бўйича ҳисобланганда ушбу тадқиқотнинг статистик маълумотларига кўра жуда оз миқдорни ташкил этади. Француз тилида 14%, ўзбек тилида 16%ни, рус тили мезуратив фразеологик бирликлари таркибида қатнашаётган таркибли сонларнинг миқдори умумий миқдорнинг 12%ини ташкил этади.

